

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 19  
(Таъмирлаш ишларини амалга ошириш хақида)

Кўштепа туман

«7» 09 2022 йил

**Кўштепа педагогика коллежи** кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи номидан рахбари **И.Ғофуров** томондан ва МУХАММАДОВЛАР МЧЖ кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи номидан рахбари **А.Эргашов** иккинчи томондан Кўштепа туман Пахтакор МФЙ Янгиҳаёт маҳаласида жойлашган Кўштепа педагогика коллежи биносини жорий таъмирлаш тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топширигига асосан Кўштепа педагогика коллежи биносини жорий таъмирлаш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади ҳамда амалдаги қурилиш меъёр ва смета лойиҳалари бўйича сифатли иш бажаради.

### 2. Шартнома баҳоси

2.1. Шартнома баҳоси 79 000 000 (Йтимиш тўққиз миллион ) сўмни ташкил қилади.

### 3. Тўлов шартлари

- 3.1. Бажариладиган жорий таъмирлаш ишлар қийматини 30 % миқдорида Буюртмачи томонидан олдиндан Пудратчи ҳисоб рақамига ҳақ ўтказиб берилади.
- 3.2. Бажарилган таъмирлаш ишлари Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда тегишли қурилиш меъёрларига риоя қилган ҳолда Ф-2 далолатномаси асосида қабул қилиб олинади
- 3.3. Шартнома бўйича бажарилган иш учун ҳисоб-китоб ҳар ойнинг якунида амалга оширилади ва якуний ҳисоб китоб иши тўлиқ тамомлангандан кейин, (бунга ишни қабул қилиб олиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф қилиниши ҳам қўшиб) Буюртмачи томонидан амалга оширилади.
- 3.4. Бажарилган ишни махсус комиссия томонидан қабул қилиб олинмаса, бажарилган ишга ҳақ тўланмайди.

### 4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари

- 4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1 булимида назарда тутилган ишларни белгиланган календар иш режасида назарда тутилган муддатларда бажаради.
- 4.2. Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишга белгиланган муддатда ҳақ тулаши маҳаллий бюджетдан мунтазам равишда маблағ ажратиб беришга боғлиқ эканлигини, шу сабабдан бажарилган ишлар ҳақини тулаб бериш муддати 1 ойгача чузилиши мумкин. Бу муддат бажарилган пудрат иши якунини махсус комиссия (давлат комиссияси) томонидан қабул қилиб олинган санадан ҳисобга олинади.

### 5. Тарафларнинг мажбуриятлари

- 5.1. Пудратчи:
  - 5.1.1. Уз ишчи кучи ва техника воситалари билан барча ишларни тула ҳажмда ва муддатида бажарилиши ва тегишли лойиҳа ҳужжатларидаги ҳолатида ишларни Буюртмачига топширилиши.
  - 5.1.2. Объектга лойиҳага биноан зарур булган материалларни конструкцияларни бутловчи ашёлар етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириш.
  - 5.1.3. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериш ва у томонидан ишларни бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш:
  - 5.1.4. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қуриклаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаши керак.
- 5.2. Буюртмачи:
  - 5.2.1. Календар иш режасида белгиланган ҳажмда ва муддатда объектни Пудратчига топшириши.
  - 5.2.2. Ушбу шартноманинг биринчи булимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда Пудратчига ҳақ тулаш шарт.
  - 5.2.3. Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиши шарт.
  - 5.2.4. Объект бинонинг ичкари қисмида жойлашган булса қуриклаш учун буюртмачи томонидан

объектни куриклаш учун масъул ходим бириктирилиши лозим.

## **6. Тарафларнинг жавобгарлиги**

- 6.1. Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб 6 ойгача ҳақни тулаб бермас қечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4% пеня тулайди.
- 6.2. Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудрат ишларини тугатмас қечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5 % пеня тулайди.
- 6.3. Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли сумманинг 50% ошмаслиги лозим.

## **7. Форс-мажор ҳолатлари**

- 7.1. Тарафларнинг бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олинган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдида кура билиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва ҳатолар унга қушиб ўриш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кемирилиши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.
- 7.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган қучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг шунга оид қарорлари ёки ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.
- 7.3. Уз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга уни таъсир қурсатиши ёки монейлик қилиши тугрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.
- 7.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган қучлар 3 ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, ижарага берувчи ва ижарага олувчилар бошқа тарафга хабар юбориш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниш мумкин.

## **8. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

- 8.1. Тарафлар уртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки қелишмовчиликлар тарафлар уртасида музоқара йўли билан ҳал қилинади.
- 8.2. Агар қелишмовчиликларни музоқара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалиқ судида қурилишига тегишли бўлади.

## **9. Шартномага қушимча ва ўзгартиришлар қиритиш тартиби**

- 9.1. Ушбу шартномага ҳар қандай қиритилган қушимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ҳар икала тараф имзолаган ҳолларда ҳақиқий қучга эга бўлади.
- 9.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг қелишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекс ива қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш йўли билан амалга оширилиши мумкин.
- 9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:  
Пудратчининг айби билан ишларни боришини сустқашлик билан тухтатиб турилиши яъни ушбу шартномадаги ишларни тамом бўлиш муддати 1 ойдан қўпга ошиб кетганда; Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада қўрсатилган ишларни сифати пасайганда;
- 9.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:  
Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларини боришини 1 ойдан ошадиган муддатда тухтатиб турганда; Буюртмачи томонидан кейинчалик қуришни молиялаш имконияти йўқолганда.
- 9.5. Буюртмачи ва Пудратчининг биргалиқдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда Буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади. Буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тулайди.

- 9.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## **10. Бошқа шартлар**

- 10.1. Объектлар ва унга қирувчи инженерлик тизимлари жихозлар материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлашига қўфолатланган муддати унинг учинчи шахслар тарафидан қўзланган ниётда шикас етказган ҳоллари бундан истисно қилинади. Объектам қабул қилиш

- тугрисидаги далолатномани тарафлар имзолаган вақтдан бошлаб 2 ой давомида белгиланади.
- 10.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишларга 1 йил кафолат муддати белгиланган.
  - 10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномаси ақс эттирилади.
  - 10.4. Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномаси курсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жихозларни ҳам қушиб камчиликларни бартараф қилмаса уларни буюртмачи бошқа бажарувчининг қучи билан харажатларни пудратчи тулаши орқали бартараф қилишига ҳақли.
  - 10.5. Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ёки имзолашдан бош тортганда буюртмачи малака экспертизасини тайинлайди. Экспертиза камчиликлар ва уларнинг тусларини ақс эттириш буйича тегишли далолатнома тузади ҳамда тарафнинг мазкур масала буйича ҳужалик судига муурожаат қилиш ҳуқуқини истисно қилмайди
  - 10.6. Пудратчи қурилиш объектини лойиҳа ҳужжатларини ёки унинг айрим қисмларини буюртмачининг ёзма руҳсатисиз бирорта учунчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.
  - 10.7. Пудратчининг айби билан объектни қуриш натижасида учунчи шахсларга етказилган зарар Пудратчи томонидан буюртмачининг айби билан булса буюртмачи томонидан товон туланади. Пудратчи барча ҳолларда ҳатто тегишли харажатларни буюртмачи қоплаган тақдирда ҳам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларни қуради.
  - 10.8. Ушбу шартнома бир хил юридик қучга эга булган икки нусхада тузилди ва ҳар бир томонда бир нусхадан сақланади.
  - 10.9. Тарафларнинг хоҳишлари буйича бошқа шартлар.
  - 10.10. Шартнома 2 томонлама имзолангандан сунг юридик қучга қиради ва "31" Декабр 2022 йилгача амалда булади

### 11. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

**МУХАММАДОВЛАР МЧЖ**

(молотқисиб берувчининг номи)

**«Қўштепа педагогика коллежи»**

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Қўштепа туман Дурмон мфй

Манзил: Фаргона вилояти, Қўштепа тумани,

Фахр қучаси 46 уй

Пахтакор мфй Янгиҳаёт маҳалласи

Тел/факс: +998 99 898 53 32

Тел/факс: +998903034210

Хисоб рақами: 20208000205099377001

ШХР: 400910860302067092600251001

СТИР: 200178176

Банк номи: Агробанк АТБ Қўштепа филиали

Молния Вазирлиги Газначилиги

МФО: 00515 СТИР: 306565391

Газна х/р: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Маркзий банк ХКММ

МФО: 00014 СТИР: 201122919

Раҳбар: И.Ф.Оргашов

Раҳбар: И.Ф.Офуров

М.У.

**Ҳуқуқий ҳулоса**

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28-августдаги ҳуқуқий қорутувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси ҳақидаги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг шартнома тузиш тартиби ҳақидаги 2-28 бунёдлари талаблари асосида тузилди.

Ҳуқуқшунос

ГАСЛИКЛАЙМАН  
Кўштепа Педагогика коллежи директори

И.Ғофуров

05.09.2022 йил

Кўштепа тумани

Фаргона вилоят Кўштепа педагогика коллежи томонидан 24.08.2022 йил кунги лот №22110012142591 билан Кўштепа педагогика коллежи биносини жорий таъмирлаш ишлари бўйича давлат харидлари порталига кўйилган эълон якуни бўйича йигилиш

### БАЁНИ № 1

Қатнашдилар: Д.Мадолимов - КТБДЎ  
Ю.Ахунтошев - Бош хисобчи  
Ғ.Мамадалиев - ХИБДЎ  
А.Абдурахимов - Ёшлар етакчиси  
М.Ўрмонов - Касаба уюшма раиси

#### Энг яхши таклифни танлаш учун келиб тушган таклифлар:

1. ООО MASTER NEW RESOLUTE PURE
2. MUHAMMADOVLAR MCHJ

Йигилишда, иштирокчилар томонидан келиб тушган таклифлар баҳолангандан сўнг 2 иш куни мобайнида муҳокамада бўлган. Ушбу муддат ичида иштирокчи корхоналар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмади. Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўтказилган энг яхши таклифни танлашда энг юқори балл тўплаган ғолиб иштирокчи MUHAMMADOVLAR MCHJ хусусий корхонаси билан шартнома имзолансин ҳамда энг яхши таклифни танлаш натижалари ҳақидаги маълумотлар (йигилиш баёни ва шартнома нусхаси) тегишли тартибда Давлат харидларини ўтказиш махсус ахборот порталига жойлаштирилсин.

Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш комиссия раиси зиммасида қолдирилсин.

Комиссия аъзолари

Д.мадолимов

Ю.Ахунотев

Ғ.Мамадалиев

А.Абдурахимов

М.Ўрмонов

Йигилиш котиби: